

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК: 334.75(575.1)

ҚУВОНДИҚОВ ШУҲРАТ ОБЛОҚУЛОВИЧ

**ХИЗМАТ СОҲАЛАРИДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ**

08.00.05. – “Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти”

**иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини
олиш учун тақдим этилган диссертация**

А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И

С А М А Р Қ А Н Д – 2008

Иш Алишер Навоий номли Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Илмий раҳбар: иқтисод фанлари доктори, профессор
Пардаев Мамаюнус Қаршибоевич

Расмий оппонентлар: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,
иқтисод фанлари доктори, профессор
Абдуллаев Ёрқин Абдуллаевич

иқтисод фанлари номзоди, доцент
Абдукаримов Барат-Али Абдукаримович

Етакчи ташкилот: **Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти**

Ҳимоя Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ҳузуридаги иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича К 067.12.01 Ихтисослашган Кенгашнинг 2008 йил «___» _____ соат ___ да ўтадиган бир марталик мажлисида бўлади.

Манзил: 140100, Самарқанд ш., Амир Темури кўчаси, 9 уй.

Диссертация билан Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2008 йил «___» _____ да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш
илмий котиби, и.ф.д., профессор

Тўхлиев И.С.

1. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг пировард натижаси оилалар фаровонлигини таъминлашга қаратилган. Бу фаровонликка эришиш йўлларида бири оилада тадбиркорликни йўлга қўйиш билан боғлиқ. Чунки оилада тадбиркорликнинг ривожланиши, унинг оммавий тус олиши энг муҳим ижтимоий-иқтисодий масалаларни, яъни оилалар фаровонлигини таъминлаш ва иш билан бандлик масалаларини ҳал қилиш имкониятини яратади. Шу боис, ушбу соҳани тараққий эттириш республика ҳукуматининг доимо диққат эътиборида бўлиб келмоқда.

2008 йилнинг 8 феврида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисида Президент И.А.Каримов: “Учинчи устувор йўналиш – аҳолини иш билан таъминлашни янада яхшилаш ва унинг фаровонлигини оширишнинг энг муҳим йўналиши сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш ва касаначилик соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришни рағбатлантиришдан иборат”¹, деб таъкидлади.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, мамлакатимиз учун ҳаётий заруратга айланмоқда. Бу борада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари эълон қилинди. Булар асосида “Касаначилик тўғрисида Низом” ва “Тижорат банклари томонидан оилавий тадбиркорлик субъектларига бандликка кўмаклашиш жамғармаси кредитлари ҳисобидан микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги Низом” каби меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Буларнинг ҳаммаси оила меҳнати ва мулкига таянган ҳолда ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларида оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган. Шу сабабли, оилаларнинг муҳим даромад манбаи ва тадбиркорликни шакллантиришнинг асосий йўналиши бўлган хизмат кўрсатиш соҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бугунги кунда ҳаётий заруратга айланди.

Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида ушбу долзарб вазифани ҳал қилиш борасида салмоқли, ижобий натижаларга эришилди. Аммо, ҳозирги кунда ҳам оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ҳуқуқий ва иқтисодий асосларини такомиллаштириш, улар фаолиятига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва шу асосда оилалар фаровонлигини ошириш масалалари ўз ечимини кутаётган муаммолардандир.

¹ Каримов И.А. “Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир”// Халқ сўзи, 2008 йил 9 февраль.

Мазкур муаммоларни, оилалар ижтимоий-иқтисодий хусусиятларини ва мулкый таъминланганлик даражаларини ҳисобга олган ҳолда, улар фаолиятини янада яхшилаш учун илмий асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқотнинг долзарблиги республикада хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масаласи етарлича илмий тадқиқ этилмаганлиги ва бу борада бир қатор муаммолар мавжуд эканлиги билан белгиланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Оила хўжалиги иқтисодиёти, унда амалга ошириладиган тадбиркорлик муаммоси узоқ йиллардан буён иқтисодий назария фанининг предмети бўлиб келган. Оила хўжалиги муаммоси иқтисодчи олимлардан Сид А., Сей Ж.Б., Кейнс Дж.М., Шумпетер Й., Энгельс Ф., Чаянов А.В асарларида ҳам ўз ифодасини топган¹. Бу йўналиш тарафдорлари нокапиталистик деҳқон (крестьян) хўжаликларини бир бутунликда қараб, унинг ички таркибини, ишлаб чиқариш шароитини, оиланинг ишчи кучи билан таъминланганлик даражасини ва жамият билан иқтисодий алоқадорлигини ўрганиб чиққанлар.

Ўтиш даврида оила хўжалиги иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятлари ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг айрим назарий ва амалий жиҳатлари МДХ мамлакатлари иқтисодчи олимларидан Узун В., Бабаева Л., Багдановский В., Бархатова Н.М., Барышников М., Волков А., Жеребин В., Зверева Н.В., Капелюшников Р., Разумнова И.И ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ҳам қараб чиқилган².

Ўзбекистонда эса, Ўлмасов А., Ғуломов С.С., Абдуллаев Ё.А., Хусанов Р.Х, Пардаев М.К., Вахобов А., Мамадвалиев Т, Шодиева Г.М кабиларнинг илмий ишларида³ оилавий тадбиркорликнинг шаклланиши ва

¹ Қаранг: Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Соц.эргиз, 1962, -С.332.; Кейнс Дж. Общая теория занятости процента и денег. –М.: Прогресс. 1948, -С. 238-240; Шумпетер Й. Теория экономического развития. –М.: Мысль 1982, с. 159.; Ф.Энгельс. Происхождение семьи, частной собственности и государства. – К.Маркс и Ф.Энгельс. Т.21.с.23-178.; Н.Зверева. А.В.Чаянов о размере семьи и крестьянского домохозяйства. // Вестник статистики. 1991, №7, с 47.

² Қаранг: Узун В. Эффективность крупного и малого бизнеса в сельском хозяйстве. // Вопросы экономики. 2005. №6, 109-118 б.; Бабаева Л. Семейное предпринимательство // Человек и труд. 1993. N 9. С.82.; Багдановский В. Труд и занятость в селском хозяйстве // Вопросы экономики. 2005. №6, 72 б.; Бархатова Н.М. Семейный бизнес и семьи в бизнесе // ЭКО: Экономика и орг. пр-ва. - Новосибирск, 1999.N 2. С.127.; Барышников М. Семья в институциональном пространстве российского предпринимательства (опыт исторического исследования). // Вопросы экономики. 2005. №7.; Волков А. Семья и домохозяйство // Вестн. статистики. 1991. N 7. С.40-46.; Жеребин В., Красыльникова Т. Домашние хозяйства в переходной экономике//Вопросы статистики. 1998. № 1. с.3.; Зверева Н.В. Экономический подход в исследованиях семьи в современных условиях // Вестник МГУ. Сер.6. Экономика. 1994. N 6. С.38.; Капелюшников Р. Занятость в домашних хозяйствах населения.//Вопросы экономики. 2005. №7.99 б.; Разумнова И.И. Семейный и надомный бизнес: опыт США // США. Канада: Экономика. Политика. Культура.2001.N 1. С.105-118.

³ Қаранг: Ўлмасов А. Оила иқтисоди. Тошкент - “Меҳнат” – 1998., Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Т.- 2002 й, 94 б., Ё.Абдуллаев. Макроиқтисодий статистика: 100 савол ва жавоб. – Т.: Меҳнат, 1998 й. 164-Б.; Хусанов Р. Аграр ислохотларни чуқурлаштириш шароитида деҳқон хўжаликларини ривожлантириш. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, № 6, 2003 й, 6-9 б., Пардаев М.Қ. Оила хўжалиги иқтисодиёти ва тадбиркорлиги. Самарканд 2001й., Вахобов А. Хонадон ва иқтисод.//Фан ва турмуш. № 1, 2000 й., Мамадвалиев Т. Оилавий хўжаликларни шаклланиши ва уларни ривожлантириш. Иқтисод фанлари бўйича химоя қилинган диссертациялар ҳақида қисқача маълумот (1992-2001 йиллар). Т. 2001й. 227- Б. Шодиева Г. Оила хўжалиги мулки ва даромадини ошириш йўллари. // Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Т., 1999 й.

ривожланиши, оилавий хўжалик юретиш шакллари самарадорлиги ва оила хўжалиги мулки ва даромадини ошириш йўлларининг айрим жиҳатлари ёритилган. Жумладан, Т.Мамадвалиев “Оилавий хўжаликларни шаклланиши ва уларни ривожлантириш”¹ мавзудаги илмий ишида оилавий хўжалик юретиш шакллариининг объектив зарурати, моҳияти ва хусусиятларини очиб берган. Бу хўжаликлар фаолиятининг самарадорлик мезони ва кўрсаткичлари маълум бир тизимга солинган ҳолда ёритилган. Оилавий хўжаликлар фаолияти самарадорлигини оширишга ишлаб чиқариш ва социал инфратузилмани, уларнинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда ташкил этишнинг зарурати, бу борадаги мавжуд муаммолар ўрганилиб, уларни бартараф этиш бўйича муаллиф томонидан ривожланган мамлакатлар тажрибаси ўрганилган ҳолда ва республика хусусиятидан келиб чиқиб, ишлаб чиқилган.

Г.Шодиеванинг “Оила хўжалиги мулки ва даромадини кўпайтириш йўллари”² мавзусидаги номзодлик диссертациясида бозор муносабатлари шароитда оила хўжалиги микроиктисодиётнинг таркибий қисми эканлиги назарий жиҳатдан асосланган. Бундан ташқари, оила хўжалиги ва қишлоқ хўжалигидаги оилавий асосда хўжалик юретиш шакллариини фақат истеъмол қилувчи субъект эмас, балки бозор муносабатларининг фаол иштирокчисига айланаётганлигини илмий жиҳатдан асослаган. Аммо амалга оширилган илмий ишларда хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантириш масалалари илмий жиҳатдан етарлича тадқиқ этилмаган.

Шу мақсадда ҳукуматимиз томонидан хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорлик фаолиятини янада кучайтириш ва унинг ЯИМ даги улушини 2008 йилда 48% га, 2010 йилда 50-52% га, хизмат кўрсатиш соҳасининг салмоғини тегишли равишда 45 ва 49% га етказиш, 2010 йилда янги ташкил этилаётган иш ўринларини касаначилик асосида 250 мингтага етказиш кўзда тутилганлиги мазкур танланган мавзунинг янада долзарблигини ва бу борада ҳали етарлича иш олиб борилмаганлигидан далолат беради.

Бажарилган илмий тадқиқот иши республикаимиз оилаларининг миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ижтимоий-иктисодий муаммоларини институционал тарзда, ўзаро боғлиқликда ўрганишга қаратилган амалий таклифлар ишлаб чиқилганлиги билан ажралиб туради.

Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Самарқанд давлат университети иқтисодиёт факултети ва Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтидаги илмий-тадқиқот ишлари режалари билан узвий боғлиқ ва ушбу олий ўқув юртлари режаларининг таркибий қисмини ташкил қилади. Шунингдек,

¹ Мамадвалиев Т. Оилавий хўжаликларни шаклланиши ва уларни ривожлантириш. Иқтисод фанлари бўйича химоя қилинган диссертациялар ҳақида қисқача маълумот (1992-2001 йиллар). Т. 2001й. 227- Б.

² Шодиева Г. Оила хўжалиги мулки ва даромадини ошириш йўллари. // Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Т.,1999 й.

мазкур иш республикамизда олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларининг устувор йўналишларига мос келади.

Тадқиқот мақсади бозор муносабатлари шароитида хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликнинг иқтисодиётда тутган ўрни ва уни ривожлантиришнинг назарий, услубий, амалий асосларини такомиллаштириш ва истиқболларини белгилаш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари қуйидагилардан иборат:

- хизмат кўрсатиш соҳасида “оила хўжалиги”, ”уй хўжалиги”, “оилавий тадбиркорлик” тушунчаларининг ижтимоий-иқтисодий мазмунини янгича бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда тадқиқ қилиш;

- бозор муносабатлари шароитида оилавий тадбиркорликнинг бозор тизимидаги ўрнини илмий – амалий жиҳатдан асослаш;

- оила хўжалигини иқтисодий муносабатлар тизимида микроиқтисодиётнинг субъекти эканлигини ҳамда унинг иқтисодиётда ва ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва аҳамиятини очиқ бериш;

- бозор муносабатлари шароитида, мавжуд қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар асосида хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

- оилаларда тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромадларининг умумий даромадларда тутган ўрнини таҳлил қилиш ва уни кўпайтириш йўллари ишлаб чиқиш;

- хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасида илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

- оилавий тадбиркорликнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тизимидаги ўрни ва истиқболини белгилаш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Мамлакатимизда, хусусан Самарқанд вилоятида хизмат соҳасида фаолият кўрсатаётган оилавий тадбиркорлик субъектлари тадқиқотнинг объекти ҳисобланади.

Тадқиқот предмети бўлиб, иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида оила хўжаликларининг иқтисодий вазифасидан келиб чиққан ҳолда хизмат соҳасида фаолият кўрсатувчи оилаларда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, уларнинг бозор тузилмасидаги ўрни ва аҳамияти билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот методлари. Математик моделлар, танлаб кузатиш, гуруҳлаш, қиёслаш, корреляция ва регрессия каби статистик ва иқтисодий таҳлил методлари.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- хизмат кўрсатиш соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг ўзига хос хусусиятлари;

- хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари;

- хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорлик даромадларига ва улар фаолиятининг ривожланишига таъсир этувчи омиллар тизими;

- хизмат соҳасида оилавий тадбиркорлик даромадларини кўпайтириш истиқболларини белгиловчи иқтисодий – математик усуллар.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Бозор муносабатлари шароитида Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, хизмат соҳасида оилавий тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантириш муаммоларини ҳал қилиш бўйича назарий ва амалий тавсияларни ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади. Булар қуйидагиларда ўз ифодасини топган:

– илмий адабиётларда берилган “оила хўжалиги” ва “уй хўжалиги” тушунчаларининг ижтимоий-иқтисодий мазмунига аниқлик киритилиб “оилавий тадбиркорлик” тушунчасининг хизмат соҳасига мос янги такомиллашган таърифи ишлаб чиқилди;

– хизмат соҳаси билан шуғулланадиган оила хўжаликларининг иқтисодий функциялари бозор муносабатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда кенгайтирилди ва улар таркибига бир қанча аниқликлар киритилди;

– бозор муносабатлари шароитида хизмат соҳаси билан шуғулланадиган оила хўжалигининг бозор тизимидаги ўрни асослаб берилди;

– оилавий тадбиркорлик ва молия институтлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан амалий таклифлар ва тавсиялар берилди;

– хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожланишига ва улар сонининг кўпайишига таъсир этувчи асосий омиллар аниқланди ва уларнинг боғлиқлигини ифодаловчи математик моделлари ишлаб чиқилди;

– хизмат соҳаларининг иқтисодиётда тутган ўрни ва унда оилавий тадбиркорликнинг ривожланишини белгиловчи истиқбол кўрсаткичлар корреляция-регрессия усулларини қўллаган ҳолда ишлаб чиқилди;

– хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлашни такомиллаштириш бўйича илмий асосланган тавсиялар таклиф этилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти хизмат соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муаммоларини ҳал қилишнинг назарий концепциясини ишлаб чиқиш учун асос бўлиши мумкинлигидадир. Диссертациянинг амалий аҳамияти, унда ишлаб чиқилган таклифлар ва тавсияларнинг олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида “Иқтисодий назария”, “Тадбиркорлик фаолияти асослари”, “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни бошқариш”, “Оила хўжалиги иқтисодиёти” каби фанларни ўқитишда, республикада хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган меъёрий ҳужжатларни такомиллаштиришда қўлланилиши мумкинлиги билан белгиланади.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертация илмий натижалари Республика “Оила” илмий-амалий маркази Самарқанд вилоят бўлими (2007 йил 21 декабрдаги 01/37-сонли далолатнома), Самарқанд давлат университети (2008 йил 22 январдаги 53-01/22.01.08-сонли далолатнома) ва Ўзбекистон савдо-саноат палатаси Самарқанд вилояти худудий бошқармаси (2008 йил 28 январдаги 10-02/02-сонли далолатнома) томонларидан эътироф қилинган бўлиб, улар амалиётда қўллаш учун қабул қилинган.

Ишнинг синовдан ўтиши. Диссертация ишининг асосий натижалари СамИСИ, СамДУ ва “Халқаро менежментни ўқитиш маркази” ҳамкорлигида ўтказилган “Кичик ва ўрта бизнесда менежмент муаммолари” мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференцияда (2003 йил), “Иқтисодий муносабатларни ўрганишда иқтисодий атамалардан тўғри фойдаланиш зарурияти ва муаммолари” мавзуидаги илмий-амалий анжуманда (Тошкент, ТДИУ, 2004 й. 18 май), Международная конференция студентов, аспирантов и молодых ученых “Ломоносов-2004” (Москва, МГУ, 2004 й, 12-15 апрел), Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессор-ўқитувчиларнинг илмий-амалий конференцияси (Самарқанд, 2004 й, 25-26 май), СамДУ, профессор-ўқитувчиларининг илмий-амалий конференцияси (Самарқанд, 2005 й, 9-12 апрел), “Ломоносов-2005” (Москва, МГУ, 2005 й, 12-15 апрел), «Ломоносов-2006» (Москва, МГУ, 2006 й, 12-15 апрел) халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларида илмий маърузалар кўринишида муҳокама қилинган ва маъқулланган. Таклиф ва тавсиялар тегишли конференцияларнинг тавсияларида ўз аксини топган.

Натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация ишининг асосий хулоса, таклиф ва натижалари 18 та илмий ишда ўз ифодасини топган бўлиб, уларнинг 5 таси ОАК эътироф этган журналларда (шундан 2 та мақола хорижда) ва 13 таси турли конференция материаллари ва тезислари шаклида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, 152 бет, 13 та жадвал, 14 та расм ва 16 та иловалардан ташкил топган.

2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Хизмат соҳасини ривожлантириш оилалар фаровонлигини ошириш ва иш билан бандлик масаласининг ҳал бўлишини таъминловчи муҳим омиллардан ҳисобланади. Шу мақсадда, республикада аҳолининг бандлиги ва оила даромадларининг барқарор ўсишини таъминлашга доир вазифаларини ҳал этишда оилавий тадбиркорликнинг турли хил шакллари ривожлантиришга устувор аҳамият берилмоқда.

Ҳозирги кунда республикада қарийб 26,7 млн. аҳоли истиқомат қилмоқда. Агар оиланинг катталигини ўртача 5,1 деб ҳисобласак, у ҳолда

бизнинг ҳисоб-китоблар бўйича оилалар сони 5.2 млн. тани ташкил этади. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида оилаларнинг иқтисодийда тутган ўрни ва бозор муносабатларидаги иштироки шу даражада кенгайиб бормоқдаки, уларни ўрганиш анча қийинчиликларни туғдирмоқда. Бугун улар фақат истеъмолчи сифатида эмас, балки иқтисодийнинг кўплаб соҳалари сингари хўжалик фаолиятини юритмоқда. Шу туфайли оилавий тадбиркорликнинг бозор тузилмасидаги фаолиятини тўлиқ ва батафсил ўрганиш натижасида уни тўғри тавсифлаш зарурати туғилмоқда.

“Оилавий тадбиркорлик” тушунчасининг иқтисодий моҳиятини ўрганишга қаратилган илмий ишланмаларда айрим олимларимиз томонидан тегишли фикрлар айтилган. Жумладан, М.К.Пардаев ва З.Н.Қурбоновлар оилавий тадбиркорлик тушунчасига қуйидагича таъриф берган: “Оилавий мулкка асосланган оила аъзолари иштирок этадиган тадбиркорлик оила тадбиркорлиги деб аталади”¹.

Г.Шодиева ушбу иқтисодий тушунчага бироз бошқача ёндашган ҳолда, оила аъзоларининг тадбиркорликдан асосий мақсади фойда олиш эканлигини инобатга олиб, унга қуйидагича таъриф беради: “Оила тадбиркорлиги деб, оилавий мулкка асосланган, оила аъзолари иштирок этадиган ва маълум даражада даромад (фойда) олишни кўзлаб қилинадиган фаолиятга айтилади”² деб таъкидлайди. Мазкур таърифларда оилавий тадбиркорлик тушунчаси бўйича умумийлик бор.

Бу иккала ҳолатда ҳам оилавий тадбиркорликнинг ташкилий, ҳуқуқий жиҳатлари ва қандай фаолият (ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш) билан шуғулланиши тўғрисида фикр юритилмаган. Ваҳоланки, бозор муносабатлари шароитида ҳар бир оилавий тадбиркорлик субъекти фаолият юритар экан, албатта унинг ташкилий, ҳуқуқий мақоми ва қайси соҳаларда фаолият юритиши асосий ўринда туради. Чунки бугунги кунда улар оилавий корхоналар, хонадон цехлари ва микрофирмалар деб ҳам юритилмоқда. Бу тўғрида мамлакатимиз Президенти, “йирик корхоналарнинг буюртмалари асосида майда бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган янги корхоналар ташкил этиш, **хонадонларда майда хусусий цехлар очишни рағбатлантириш**”³ зарурлигини айтиб ўтдилар. Бунда тадбиркорлар ўз меҳнатига ва оила аъзолари меҳнатига таяниб, ариза бериш асосида давлат рўйхатидан ўтиб фаолият юритмоқдалар.

Юқоридаги таҳлиллар асосида оилавий тадбиркорликка қуйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ деб топдик: **оилавий тадбиркорлик деганда, жисмоний ёки юридик шахс мақомига эга бўлган, эр-хотин ва уларга кўмаклашадиган оила аъзоларининг меҳнатига ва мулкига таяниб, қонуний асосда даромад олишга мўлжалланган тадбиркорлик**

¹ Пардаев М.Қ., Қурбонов З.Н. Оила бизнеси ва тадбиркорлиги. Самарқанд: СамКИ, 1999. -18-Б.

² Шодиева Г. Оила хўжалиги мулки ва даромадини ошириш йўллари. // Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. Т., 1999 й.

³ Каримов И.А. Бизнесинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир.- Т.: Ўзбекистон, 2005. 82- Б.

фаолияти тушунилади. Ушбу таърифга асосланган ҳолда хизмат соҳасидаги оилавий тадбиркорликка ҳам таъриф бериш мумкин. **Хизмат соҳасида оилавий тадбиркорлик деганда, жисмоний ёки юридик шахс мақомига эга бўлган, эр-хотин ва уларга кўмаклашадиган оила аъзоларининг меҳнати ва мулкига таяниб, хизмат кўрсатиш натижасида қонуний даромад олишга қаратилган фаолияти тушунилади.** Оилавий тадбиркорлик субъекти эр-хотиннинг қайси бири номига рўйхатга олинган бўлса, оилавий тадбиркорлик субъекти номидан у иш олиб боради.

Хизмат соҳасидаги оилавий тадбиркорлик фаолиятининг қулайлиги ва афзаллиги шундаки, биринчидан, уни ташкил этишнинг осонлиги ва ихчамлиги, иккинчидан, тадбиркорларнинг асосий капиталга бўлган харажатларининг анча камлиги; учинчидан, меҳнатни ташкил этишда ишчи кучи оиланинг ўзида етишиб чиқиши ва энг муҳими, уй бекалари меҳнатидан фойдаланиш мумкинлиги, тўртинчидан, мулкий муносабатларда, иш берувчи ва ишловчилар ўртасидаги муносабатларда меники ва сеники деган зиддият бўлмаслиги, чунки уларнинг иккаласида ҳам битта оила аъзоларининг иштирок этиши. Бешинчидан, меҳнат натижасидан манфаатдорликнинг ҳам бир хил бўлиши. Олтинчидан эса, ворислик – оилавий тадбиркорликнинг асосий жиҳатларидан бири эканлиги. Бошқача айтганда, оилавий корхона ўз мутахассисларини ўзи учун тарбиялашга интилади. Шу жиҳатлари билан, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муҳим концептуал аҳамиятга эга ҳисобланади.

Хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликнинг қарор топиши мамлакатимизда жуда кўп ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишини инобатга олиб, уларни ривожлантиришнинг зарурлигини белгиловчи омиллар аниқланди. Булар қуйидагиларда намоён бўлиши асосланди:

- оилавий тадбиркорликнинг оилалар моддий фаровонлигини таъминлашдаги ўрни;
- оила аъзоларининг ўзини ўзи иш билан банд қила олиш имкониятлари;
- оилавий тадбиркорликнинг ЯИМда, касаначиликда, саноат соҳасида, қишлоқ хўжалик маҳсулоти ҳажмида, қурилиш ишлари, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги ҳиссаси.

Булар оила хўжалигининг иқтисодиётда тутган ўрнини ҳам белгиловчи кўрсаткичлар бўлиб ҳисобланади.

Оилавий тадбиркорлик – бозор муносабатлари шароитида оила хўжалигининг энг асосий функцияларидан ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, оила хўжалиги фаровонлиги кўп жиҳатдан функционал таҳлилни талаб этади, шу жиҳатдан оила хўжалиги функциялари унинг фаровонлигини таъминловчи омиллар сифатида қаралиши мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан келиб чиқадиган бўлсак, оила хўжалиги функциялари қуйидаги ижтимоий-иқтисодий тадбирлардан таркиб топмоқда:

- ёш авлодни тарбиялаш ва ишчи кучини такрор ишлаб чиқариш;
- оиланинг истеъмол талабини қондириш;
- оилавий тадбиркорлик фаолиятини юритиш;
- оила жамғармаси ҳисобидан инвестицион имкониятларни вужудга келтириш, мулкый даромадлардан самарали фойдаланиш;
- давлат билан «ички» иқтисодий алоқалар (солиқларни тўлаш, трансферт тўловлардан фойдаланиш), чет давлатлар билан иқтисодий алоқалар, хусусан, турли хил пул ўтказмалар ва меҳнат шартномалари тузиш ва б.

Ишда ушбу функцияларнинг ҳар бири қараб чиқилган.

Диссертация ишида хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва шу орқали даромадларининг кўпайишига таъсир этувчи омиллар аниқланди. Улар кузатилган оилаларнинг маълумотлари асосида кўп омилли корреляция таҳлили усули билан тадқиқ қилинди. Бунда Самарқанд вилоятининг турли ҳудудларида кузатилган 135 та хизмат кўрсатувчи оилаларнинг маълумотларидан фойдаланилди.

Тадқиқотлар кўрсатдики, оила даромадларининг кўпайишига бир қанча омиллар таъсир қилар экан. Улардан ҳисобланиши мумкин бўлган қуйидаги омиллар таъсирини инобатга олдик:

y – оила хўжалигининг умумий даромади, (минг сўм);

x_1 – оила аъзолари сони (киши);

x_2 – мулк ва тадбиркорлик фаолиятдан тушган даромад (минг сўм);

x_3 – иш ҳақи даромадлари (минг сўм);

x_4 – ижтимоий тўловлар (пенсия, стипендия, нафақа), (минг сўм);

x_5 – оила аъзоларининг ўртача ёши;

x_6 – оилавий тадбиркорлик фаолияти тури.

Ушбу омилларнинг натижа кўрсаткичи ўзгаришига таъсирини аниқлаш учун корреляцион таҳлил усулларида фойдаланилди.

Регрессия тенгламасини тузишда унда иштирок этаётган омилларнинг натижа кўрсаткичи ўзгаришига таъсирининг муҳимлик даражаси баҳоланади. Ҳисоб-китоб натижаларидан маълум бўлдики, унинг ўзгаришига 2, 3 ва 6 омилларнинг таъсири катта. Қолган омиллар эса унча катта аҳамиятга эга эмас.

Кўп омилли регрессия тенгламасини тузиш учун бир қанча функциялар танланди. Ушбу танланган функциялар бўйича кўп омилли корреляция коэффициенти ҳисобланди. Чизиқли тенглама учун бу кўрсаткич $R=0,981$, даражали учун $R=0,612$, кўрсаткичли учун эса $R=0,578$ бўлди. Регрессия тенгламасини танлаш учун кўп омилли корреляция коэффицентининг энг юқори бўлган чизиқли функцияси танлаб олинди.

$$y=139,934+1,356x_2+1,673x_3-44,317x_6;$$

Тадқиқот ишида корреляция коэффициентининг иқтисодий моҳиятини аниқлаш мақсадида эластиклик коэффициенти ҳисобланди. Бунга кўра, оилада мулк ва тадбиркорлик даромади (x_2) нинг 1%га ошиши, оила умумий даромадининг 0,901% ёки 12,2 минг сўмга, иш ҳақи (x_3) нинг 1%га ошиши 0,104% ёки 1,5 минг сўмга кўпайишига, шунингдек, (x_6) оилавий тадбиркорлик фаолияти тури (соҳаси)нинг ўзгариши эса 0,108%га камайишига олиб келади.

Худди шу усул ёрдамида Ўзбекистонда оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга ва улар сонининг кўпайишига таъсир этувчи омилларни ҳам ҳисоблаш мумкин. Бунга қуйидаги омиллар тизимини киритиш мумкин:

y – оилавий тадбиркорлик субъектлари сони;

x_1 – ягона солиқ ставкаси (фоизда);

x_2 – қўшимча қиймат солиғи (фоизда);

x_3 – мол-мулк солиғи (фоизда);

x_4 – ер солиғи;

x_5 – йиллик қайта молиялаштириш ставкаси (фоизда);

x_6 – лицензия харажатлари;

x_7 – меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов (фоизда).


Регрессия тенгламасини тузишда унда иштирок этаётган омилларнинг натижа кўрсаткичи ўзгаришига таъсирини муҳимлик даражаси бўйича баҳоладик. Бунга кўра, натижа кўрсаткичи ўзгаришига x_5 ва x_7 омилларнинг таъсири катта эканлиги ва қолган омиллар таъсири унча катта аҳамиятга эга эмаслиги аниқланди.

Регрессиянинг барча турдаги тенгламаларида оилавий тадбиркорлик субъектлари сонининг барча омилларга турли даражада боғлиқлиги аниқланади ва бу боғланишда $R=0,977$ бўлган қуйидаги чизиқли регрессия тенгламаси танланди:

$$y=558,4-4,4x_5-5,97x_7;$$

Ушбу тенглама ёрдамида регрессия коэффициентининг иқтисодий моҳиятини аниқлаш мақсадида эластиклик коэффициенти ҳисобланди. Бунга кўра, йиллик қайта молиялаштириш ставкаси (x_5) нинг 1% га камайиши, оилавий тадбиркорлик субъектлари сонининг 0,5% га ёки 1,2 мингтага кўпайишига, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўлов (x_7) нинг 1% га камайиши эса оилавий тадбиркорлик субъектлари сонини 2,04 мингтага кўпайишига олиб келади.

Шунингдек, юқорида келтирилган таҳлил услуби кузатилган оилаларда даромадларнинг оила аъзолари жон бошига ўртача тақсимланиши бўйича ҳам таҳлил қилиш имконини берди (1-расм).




- 1- савдо хизматлари (чакана савдо, миллий ошхона ва ресторанлар);
- 2- миллий ҳунармандчилик ва таъмирлаш устахоналари;
- 3- компьютер ва ахборот технологиялари хизматлари (интернет кафе, кичик босмахона ва уяли алоқага уланиш каби хизмат турлари);
- 4- транспорт хизматлари (юк ташиш ва аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш);
- 5- фото ва гўзаллик салонлари (келинлик либослари ва тўй ускуналарини ижарага бериш ва б.).

1-расм. Хизмат соҳаларида тадбиркорлик фаолияти билан банд бўлган оилаларда пул даромадларининг жон бошига ўртача тақсимланиши¹ (минг сўм).

Ушбу расм маълумотларидан кўриниб турибдики, даромадларнинг оилада жон бошига тақсимланиши савдо ва умумий овқатланиш хизматлари (1) билан шуғулланувчи оилаларда энг юқори яъни, 367,3 минг сўмни ташкил этмоқда. Миллий ҳунармандчилик (2) билан шуғулланувчи ва таъмирлаш устахоналари мавжуд бўлган оилаларда даромадларнинг жон бошига тақсимланиши 311,9 минг сўмга тўғри келади. Компьютер ва ахборот технологиялари хизматлари (3) билан банд бўлган оилаларда бу кўрсаткич 202,0 минг сўмни, аҳолига транспорт хизматлари кўрсатувчи (4) оилаларда 172,7 минг сўмни, фото ва гўзаллик салонлари каби хизмат турлари билан шуғулланувчи оилаларда (5) 166,8 минг сўмни ташкил этди.

Юқоридаги кўп омилли корреляцион таҳлил натижаларига кўра, оила даромадларининг кўпайишига, мулк ва тадбиркорлик фаолиятидан тушган даромадлар катта таъсир кучига эга эканлигига изланишларимиз давомида гувоҳ бўлдик. Шундай экан, ушбу даромад турининг оила ялпи даромадидаги улушининг истиқбол кўрсаткичларини белгилаш ҳам муҳим аҳамият касб этади (2-расм).

¹ Манба: 2006 йил давомида Самарканд вилоятида қузатилган 135 та оила хўжалиги маълумотлари асосида ҳисобланди.



2-расм. Оила хўжалиги умумий даромадларида тадбиркорлик даромадлари улушининг 1996-2010 йиллардаги истиқболий динамикаси¹.


Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш оилалар даромадини кўпайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Расмдан кўриниб турибдики оила хўжалигида тадбиркорлик даромадлари ҳақиқатда йилма-йил мунтазам равишда ўсиб бормоқда. Бироқ бу ўсиш бир хил даражада рўй бермаяпти, яъни 2005 йилгача бироз секин бўлган. Бу ҳолатни мазкур даврларда оилада тадбиркорлик кўникмаларининг ҳали етарлича шаклланмаганлиги билан изоҳлаш мумкин деб ўйлаймиз. 2006 йилда бу кўрсаткич кескин ўсганлиги кўриниб турибди. Бу ўсиш эса мазкур йилда йирик саноат корхоналари билан кооперациялашиш негизида касаначилик фаол ривожланиб, унинг натижасида 60 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилганлиги натижасида улар даромадининг ҳам сезиларли даражада ошишига олиб келган. 2010 йилга қадар тадбиркорлик даромадларининг мунтазам ўсиб бориш тенденцияси кузатилмоқда.

Яқин келажакда оила даромадларини кўпайтиришда ва бандлигини таъминлашда муҳим соҳалар сифатида, шахсий меҳнат фаолиятида чорвачилик, касаначилик ва оилавий тадбиркорликнинг бошқа шакллари ҳам эътибор қаратилиши лозим. Натижада оилада тадбиркорлик даромадлари ҳам 4,9 марта ортиши мумкин.

Оила даромадларининг ошиши хизматлар, хусусан пуллик хизматларга талаб ортиши учун муҳим омилдир. Бу эса пуллик хизматлар таклифи ошаётганлиги, хусусий секторнинг ривожланиши, аҳоли даромадларининг кўпайиб бориши ва умумий макроиқтисодий вазият

¹ **Манба:** ЎзР Давлат статистика қўмитасининг 1997-2006 йиллардаги маълумотлари асосида тузилди. 2007-2010 йиллар эса иқтисодий-математик усуллар ёрдамида ҳисобланди.

яхшиланиб боришидан далолатдир. Шу мақсадда, танланган мавзуга методологик жиҳатдан тўғри ёндашиш мақсадида пуллик хизматларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улушини таҳлил қилиш ва унинг истикбол кўрсаткичларини ҳисоблаб чиқишни ҳам мақсад қилиб қўйдик. Бу эса қуйидаги 3-расмда ўз аксини топди.



3-расм. Пуллик хизматлар ҳажмида оилавий тадбиркорлик асоси бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улушининг 1997-2010 йиллар давомида ўзгариши¹.

Ушбу расм маълумотларига кўра, аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш умумий ҳажмида оилавий тадбиркорлик асоси бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари улуши тобора етакчи ўрин эгаламоқда. Бу кўрсаткич 1997 йилда 23,6 фоизни ташкил қилган бўлса 2006 йилда 50,9 фоизни ташкил этган. Бу хизмат турларига савдо хизматлари, миллий хунармандчилик ва таъмирлаш хизматлари, компьютер ва янги ахборот технологиялари хизматлари (интернет кафе, кичик босмахона ва уяли алоқага уланиш каби хизмат турлари), аҳолига транспорт хизматлари кўрсатиш, фото ва гўзаллик салонлари ва бошқа оилавий хизмат турлари киради. Бу кўрсаткич прогноз таҳлилларига кўра, истикболда (2010 йил) 57,1 фоизга ўсиши кутилмоқда. Бу ҳолат, келажакда мамлакатда янги хизматлар бозорининг пайдо бўлиши ва унда хусусий секторнинг улуши янада етакчилик қилиши билан изоҳланади. Бу улуш ҳам прогноз даврида 4,2 мартага ошиши кузатилди.

Шунингдек, республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг 1996-2006 йиллардаги маълумотлари асосида уларнинг ЯИМ даги улуши, уларнинг сони, ундаги банд аҳоли ва пуллик хизматлар ҳажмидаги улушини истикбол кўрсаткичлари ҳисоблаб чиқилди (1-жадвал).

¹ **Манба:** ЎзР Давлат статистика қўмитасининг 1997-2006 йиллардаги маълумотлари асосида тузилди. 2007-2010 йиллар эса иктисодий-математик усуллар ёрдамида ҳисобланди.

1–жадвал. Ўзбекистонда 2007-2010 йилларда оилавий тадбиркорлик асоси бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг истиқболий кўрсаткичлари¹

№	Кўрсаткич номи	Прогноз учун энг кулай функция	F - коэф.	Йиллар				Прогнознинг ўртача хатоси, %
				2007	2008	2009	2010	
1	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ЯИМ даги улуши, %	$y = 23,94 + 1,68 * t$	32,983	42,528	44,217	45,906	47,596	2,1704
2	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларисони, мингта	$y = 152,31 + 1,96 * t^2$	212,642	390,676	435,983	485,231	538,418	1,6483
3	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда банд бўлган аҳоли, минг киши	$y = 1 / (0,285 - 0,015 * t)$	136,203	8097,028	9192,905	10631,853	12604,870	1,6354
4	Оила хўжалигида тадбиркорликдан олинган даромадлар улуши, %	$y = 17,68 * 1,09^t$	3,911	49,095	53,455	58,201	63,369	4,83
5	Пуллик хизматлар ҳажмида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши, %	$y = 23,15 * t^{0,342}$	84,279	52,643	54,236	55,743	57,177	1,9025
6	Пуллик хизматлар ҳажми, млрд.сўм.	$y = 2,70 + 20,62 * t^2$	213,035	2498,865	2973,342	3489,078	4046,073	12,9917

¹ Манба: ЎзР Давлат статистика қўмитасининг 1996-2006 йиллардаги маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисоб-китоб қилинди.

3. ХУЛОСА

Хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муаммоларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиб қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Иқтисодий эркинлаштириш шароитида “оила”, “оила хўжалиги” ва “уй хўжалиги” тушунчаларининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан мазмуни кенгайиб, уларга фақат истеъмолчи субъект сифатида эмас, балки иқтисодий муносабатларнинг асосий иштирокчиси эканлигини ҳисобга олиб ёндашиш мақсадга мувофиқдир. Иқтисодий адабиётларда ушбу тушунчаларга доир турли хил қарашлар мавжуд. Бу тушунчаларни назарий жиҳатдан тадқиқ қилиб ҳар бирининг такомиллашган таърифлари ишлаб чиқилди.

2. “Оила” ва “оилавий тадбиркорлик” категориялари бир-бири билан узвий боғлиқ мураккаб тушунчалардир. Бунда оила фақат истеъмолчи сифатида эмас балки тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъект сифатида ҳам намоён бўлиши исботланган.

3. Оила хўжалигининг барча иқтисодий функциялари унинг фаровонлигини таъминловчи омиллар сифатида қаралиши лозим. Бозор муносабатлари шароитида оилавий тадбиркорлик оила хўжалигининг фаровонлигини оширишга қаратилган энг асосий функцияларидан бири сифатида қаралди. Чунки оила хўжалиги ўз функцияларини мустақил хўжалик юритувчи субъект сифатида амалга оширади.

4. Оилавий тадбиркорлик ҳам ўзига хос тадбиркорлик бўлиб, оила мулкига, ишлаб чиқариш воситаларига, оила аъзоларининг меҳнатига ва тадбиркорлик фаолияти натижасида оладиган даромадига эгалик қилиш билан бирга, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан ҳам шуғулланади. Унинг бу жиҳати кичик бизнеснинг бир кўриниши сифатида турли хил хизматлар кўрсатишда ҳам намоён бўлади. Бу жараён ўзига хос хусусиятларга эгалигини инобатга олиб, алоҳида “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

5. Хизмат соҳаси истиқболда иқтисодийнинг асосий соҳасига айланади. Хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш натижасида, янги иш жойлари ва корхоналар бунёд этилади, мамлакатда янги хизматлар бозори пайдо бўлади, худудий инфратузилма ва хизмат кўрсатиш объектлари ислоҳ қилиниб унинг янги соҳалари вужудга келади.

6. Хизмат соҳасида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бандлик муаммосини айниқса, хотин-қизлар, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, оилаларнинг даромадини сезиларли даражада кўпайтириш, бутун мамлакатимиз аҳолисининг фаровонлигини ошириш имкониятини яратади. Бу биринчидан, аҳолини иш билан таъминлаш орқали оилаларнинг муҳим даромад манбаи ва мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асоси бўлса, иккинчидан, мамлакатимиз бозорининг хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш орқали аҳолининг турмуш даражасининг ошишига сабаб бўлади.

7. Миллий қадриятларимизга кўра, республикамиз шаҳар ва қишлоқларида хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорлик фаолиятининг маҳаллий, анъанавий ва шаҳарбоп кўринишларини тиклаш ва рағбатлантириш шунингдек, миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш йўналишидаги фаолиятларини тиклашда, уларга зарур бўлган бошланғич маблағ билан таъминлаш мақсадида имтиёзли кредитларни йўлга қўйиш лозим. Шунингдек, оилаларнинг кредитлар олиш имкониятларини кенгайтириш ва ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ва истеъмол кредитлари салмоғини янада кенгайтириш эвазига уларнинг мулкий таъминланганлик даражасини янада ошириш мақсадга мувофиқдир.

8. Қишлоқ ва шаҳарларда ҳар қандай хизмат турини кўрсатаётган тадбиркорларга солиқлар ва ягона ижтимоий тўловларни янада камайтириш мақсадга мувофиқдир. Чунки, мазкур тўлов турлари тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва шу орқали оила даромадларини кўпайтиришда муҳим омил сифатида намоён бўлади. Бу эса, оилаларнинг ўз маблағлари билан хизмат кўрсатиш турларини кенгайтиришга имкон беради.

9. Хизмат соҳасида иш билан бандликни таъминлаш мақсадида, янги корхоналар ташкил этиш, хусусан, касаначилик, оилавий кичик цехлар очиш, қишлоқ жойларида ижтимоий-маиший ва қурилиш бўйича хизматлар турини кенгайтириш ҳамда йирик саноат корхоналари ўртасида турли хизматлар бўйича ҳамкорликка янада кенг шароитлар яратиш зарурати пайдо бўлганлигидан келиб чиқиб уларни ривожлантириш йўналишлари асосланган.

10. Оилавий тадбиркорликни юритиш учун тўсқинлик қилаётган омиллардан энг асосийси молиявий омиллар эканлигини инобатга олиб, ўз бизнесини бошламоқчи бўлган оила учун зарур миқдорда маблағ ажратишни оила даромадларини кўпайтиришга йўналтирилган сиёсат даражасига кўтариш ва шу билан бирга оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун микромолиявий институтларнинг ролини ҳам ошириш мақсадга мувофиқдир.

11. Оилавий тадбиркорликни ривожланиши учун қулай имкониятлар яратиш мақсадида тадбиркорлик ва мулкчилик ҳуқуқларига оид тўпламлар яратиш ҳамда гаровга қўйилган мулк ёки оила хўжалиги активларини сотиб олиш ҳуқуқига қатъий амал қилишни таъминлаш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

12. Хизмат соҳаси оилавий тадбиркорлик субъектларига кадрлар тайёрлаш, касби бўлмаган шахсларга бозор талабига мос касблар ўргатиш, хусусан хизмат соҳаларига мос мутахассислар тайёрлаш имкониятини кенг очиш, ахборот маслаҳатларини бериш учун зарур шахобчаларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир.

4. ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Кувондиқов Ш.О. К Институциональной теории домашнего хозяйства // Вопросы экономических наук. – Москва, 2004. - №4(8). – С. 134.
2. Кувондиқов Ш.О. Социальная политика и поведение домашних хозяйств на местных рынках // Вопросы гуманитарных наук. – Москва, 2004. – №4(8). – С. 94.
3. Кувондиқов Ш.О. Перспективы развития малого предпринимательства в Узбекистане // «Ломоносов 2004»: Тез. док. межд. конф. 12-15 апреля 2004. – Москва, ТЕИС, 2004 – С. 87.
4. Кувондиқов Ш.О. Оилада тадбиркорликни шакллантиришнинг психологик омиллари // Иқтисодий муносабатларни ўрганишда иқтисодий атамалардан тўғри фойдаланиш зарурияти ва муаммолари: Республика илмий-амалий анжумани маърузалар тезислари тўплами. Тошкент, 2004. – Б. 128.
5. Пардаев М.К., Кувондиқов Ш.О. Оилада тадбиркорликни шакллантиришнинг назарий жиҳатлари // Кичик бизнеснинг катта муаммолари: Республика илмий-амалий анжумани материаллари. Самарқанд, 2004. – Б. 33.
6. Кувондиқов Ш.О. Оила хўжалигида тадбиркорликнинг ривожланиш истиқболлари // СамДУ илмий тадқиқотлар ахборотномаси. – Самарқанд, 2005. – №4(32). – Б. 45-47.
7. Кувондиқов Ш.О. О проблеме развития семейного предпринимательства в Узбекистане // «Ломоносов-2005»: Тез. док. межд. конф. 12-15 апреля 2005. – Москва, ТЕИС, 2005 – С. 425.
8. Кувондиқов Ш.О. Ўзбекистонда оила хўжалиги даромадлари таркибида тадбиркорликнинг ривожланиши // Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш шароитида иқтисодиётни ривожлантиришнинг назарий ва методологик муаммолари: Илмий-амалий анжуман материаллари. – Самарқанд, СамИСИ, 2005. – Б. 380.
9. Кувондиқов Ш.О. Доходы и расходы домашних хозяйств в рыночных условиях // «Ломоносов-2006»: Тез. док. межд. конф. 12-15 апреля 2006. – Москва, ТЕИС, 2006 – С. 706-708.
10. Кувондиқов Ш.О., Тўхтамишев А. Оила хўжалиги даромадларининг шаклланиши ва тадбиркорликнинг ривожланиши // Иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш шароитида рақобатбардошликнинг назарий ва методологик муаммолари: Илмий-амалий анжуман мақолалар тўплами. – Самарқанд, СамИСИ, 2006. – Б. 274.
11. Кувондиқов Ш.О. Оила хўжалиги даромадларини кўпайтириш муаммолари // Фан ва таълимда ахборот-коммуникация технологиялари: Республика илмий-амалий конференция маърузалари тўплами. 6-7 апрел 2006. – Тошкент, 2006. – Б. 208-210.
12. Кувондиқов Ш.О. Оила хўжалигида тадбиркорликни ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамияти // Проблемы менеджмента в сфере развития бизнеса: Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Самарқанд, 2006 – Б. 217-220.

13. Қувондиқов Ш.О. Оила хўжалиги даромадлари ва уларни ҳисобга олишнинг айрим жihatлари // Ўзбекистон Республикасида иқтисодиёт ва молиянинг долзарб муаммолари: Республика илмий-амалий конференция материаллари тўплами. 20-21 октябр 2006. – Самарқанд, 2006 – Б. 304-307.

14. Қувондиқов Ш.О. Оила хўжалиги тадбиркорлиги ва бандлиги муаммолари // Проблемы образования и занятости молодежи: Международная научно-практическая конференция. 19-20 декабрь 2006. – Самарқанд, 2006. – С. 191-193.

15. Қувондиқов Ш.О., Садулаева У.И. Бозор иқтисодиёти шароитида оиланинг иқтисодий имкониятлари // Экономика. Социальная защита. Образование. Занятость в XXI веке: Материалы международной научной практической конференции. 28 февраля 2007. – Самарқанд, 2007. – С. 177-179.

16. Қувондиқов Ш.О. Оила хўжалигида тадбиркорликнинг ўрни // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2007. – № 3. Б. 58.

17. Қувондиқов Ш.О. Оилавий тадбиркорлик // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. – Тошкент, 2007. – № 7. – Б. 29.

18. Қувондиқов Ш.О. Хизмат сохаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2007. – № 7. – Б. 61.

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Қувондиқов Шухрат Облокуловичнинг 08.00.05.–“Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти” ихтисослиги бўйича **“Хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари”** мавзусидаги диссертациясининг

РЕЗЮМЕСИ

Таянч (энг муҳим) сўзлар: хизмат кўрсатиш соҳаси, сервис, оилавий тадбиркорлик, оила хўжалиги, уй хўжалиги, оила хўжалиги даромадлари, тадбиркорлик даромадлари, оила даромадлари декларацияси, инвестиция, жамғарма.

Тадқиқот объектлари: мамлакатимизда, хусусан Самарқанд вилоятида хизмат соҳасида фаолият кўрсатаётган оилавий тадбиркорлик субъектлари ҳисобланади.

Ишнинг мақсади: хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликнинг иқтисодиётда тутган ўрни ва уни ривожлантиришнинг назарий, услубий, амалий асосларини такомиллаштириш ва истиқболларини белгилаш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот методлари: математик моделлар, танлаб кузатиш, гуруҳлаш, қиёслаш, корреляция ва регрессия каби статистик ва иқтисодий таҳлил методлари.

Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги: “оила хўжалиги” ва “уй хўжалиги” тушунчаларининг ижтимоий-иқтисодий мазмунига аниқлик киритилиб “оилавий тадбиркорлик” тушунчасининг таърифи ишлаб чиқилди; хизмат соҳаси билан шуғулланадиган оила хўжаликларининг иқтисодий вазифаларига аниқликлар киритилди; хизмат соҳаси билан шуғулланадиган оила хўжалигининг бозор тизимидаги ўрни асослаб берилди; оилавий тадбиркорлик ва молия институтлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар берилди; хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожланишига таъсир этувчи омиллар аниқланди ҳамда улар фаолиятининг ривожланишини белгиловчи истиқбол кўрсаткичлар ишлаб чиқилди; хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича илмий асосланган тавсиялар таклиф этилди.

Амалий аҳамияти: хизмат соҳаларида оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган меъёрий ҳужжатларни такомиллаштиришда ва ўқув юртларида “Иқтисодий назария”, “Тадбиркорлик фаолияти асослари”, “Микроиқтисодиёт”, “Оила хўжалиги иқтисодиёти” ва бошқа иқтисодий фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Тадбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги: Республика “Оила” илмий-амалий маркази Самарқанд вилоят бўлими, Ўзбекистон савдо-саноат палатаси Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси томонидан амалиётга, Самарқанд давлат университети томонидан ўқув жараёнида тадбиқ этиш учун қабул қилинган.

Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси: хизмат соҳалари, сервис, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этиш ва ривожлантиришда кенг фойдаланиш мумкин.

РЕЗЮМЕ

диссертации Кувандикова Шухрата Облакуловича на тему **“Проблемы развития семейного предпринимательства в сфере услуг”** на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.05. - “Экономика отраслей сферы услуг”

Ключевые слова: сфера оказания услуг, сервис, семейное предпринимательство, семейное хозяйство, домохозяйство, доходы семейных хозяйств, доходы от предпринимательства, декларация доходов семьи, инвестиции, сбережение.

Объекты исследования: субъекты семейного предпринимательства, занимающиеся оказанием услуг, в Самаркандской области.

Цель работы: Разработка научно-обоснованных рекомендаций по совершенствованию теоретических, методических и практических основ развития семейного предпринимательства в сфере услуг и его значения в экономике, а так же перспектив его развития.

Методы исследования: методы математического моделирования, выборочного наблюдения, группировки, сравнения, статистический и экономический метод корреляционно-регрессионного анализа.

Полученные результаты и их новизна: внесены точности в социально-экономическое содержание понятий “семейное хозяйство”, “домашнее хозяйство” и выработаны новое определение понятия “семейное предпринимательство”; внесено несколько конкретных уточнений в экономические задачи семейных хозяйств, занимающихся сферой услуг; обосновано место в рыночной экономике семейного хозяйства, занимающегося сферой услуг, даны предложения по повышению эффективности взаимоотношений между семейным предпринимательством и финансовыми институтами; определены основные факторы, влияющие на развитие семейного предпринимательства в сфере услуг и разработаны прогнозные показатели его развития; предложены научно-обоснованные рекомендации по дальнейшему развитию семейного предпринимательства в сфере услуг.

Практическая значимость: выводы могут быть использованы при совершенствовании нормативных документов по развитию семейного предпринимательства в сфере услуг, а также в процессе преподавания в учебных заведениях предметов “Экономическая теория”, “Основы предпринимательской деятельности”, “Микроэкономика”, “Экономика семейного хозяйства” и других экономических дисциплин.

Степень внедрения и экономическая эффективность: результаты исследований приняты для внедрения в деятельность научно-практического центра «Семья», регионального управления торгово-промышленной палаты, в учебный процесс Самаркандского Государственного Университета.

Область применения: сфера услуг, сервис, малый бизнес и частное предпринимательство.

RESUME

The thesis by Kuvandikov Shuhrat Oblokulovich on the subject of “**The problems of the development of family entrepreneurship in the services industry**” for pursuing the postgraduate degree “Doctor of Philosophy in Economics” on the specialty: 08.00.05- “economy of service sphere”

Key words: service industry, service, family entrepreneurship, household business, households, household incomes, revenue from entrepreneurship, family income declaration, investments, savings.

Target group: family businesses and entrepreneurs active in service industry in Samarkand region

Objective: elaboration of the empirically proven recommendations on improvement of the conceptual and practical framework for the development of family entrepreneurship in service industry; its importance for economy, as well as the perspectives of its development.

Applied analysis: methods of mathematical simulation, selective observation, grouping, comparison, as well as statistical and economical method of correlation-regression analysis.

Obtained results and their novelty:

some clarities were introduced into the social-economic content of such definitions as “family entrepreneurship”, “household business”; a new definition for the term “household entrepreneurship” was worked out;

some new concrete clarities were introduced into the economic problems of the family entrepreneurships in the service sphere; the place of a family entrepreneurship in the service sphere of the market economy was substantiated;

proposals on uplifting the effectiveness of the interrelations between the family entrepreneurship and financial institutions were given;

principal factors that provide influence on development of family entrepreneurship in the service sphere were determined, and the forecast indices of its development were worked out;

scientifically proven recommendations on further development of the family business in the service sphere were proposed.

Practical importance of the paper: the results obtained in the dissertation can be applied in conceptualizing the state and local programs for the development of family business in service industry. In addition, the results can be used in instructing and teaching such modules as “Theory of Economics”, “Principals of Entrepreneurship”, “Microeconomics” and “Applied Household Economics”.

Application level and economic efficiency: results of the research were applied to be introduced in the activities of the scientific-practical center “The Family”, the regional department of the Chamber of Commerce, as well as in the educational process in the Samarkand State University.

Application area: obtained results can be applied in such areas of business as service industry, small business and private entrepreneurship.

Тадкикотчи:

Босишга 07.04.2008 йилда рухсат этилди.
Қоғоз бичими 60x84 1/16. Буюртма №301. Адади 100 нусха.

*Самарқанд давлат университетининг кичик босмахонасида
компьютерда терилган нусхасидан чоп этилди.
140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15.*

